2008 ЙИЛ, 22 АВГУСТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (11.224)

Баҳоси эркин нархда

**17 ЙИЛ**

## МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

**ПЕКИН. (ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ ЗОҲИР ТОШХЎЖАЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ.) XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН АРТУР ТАЙМАЗОВ ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЭНГ ОҒИР – 120 КИЛОГРАММ ВАЗН ТОИФАСИДА БАРЧА РАҚИБЛАРИНИ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТИБ, ИККИНЧИ МАРТА ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ.**



## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИСИ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ

Жаҳоннинг энг кучли эркин курашчиларидан ҳисобланган А.Таймазов финал учрашувида россиялик Бахтиёр Аҳмедов билан куч синашди. 2000 йилдан буён Олимпиада ўйинларида учинчи маротаба финалга чиққан ҳамюртимиз рақибини муддатидан олдин енгиб, олимпиадачиларимиз ҳисобига биринчи олтин медални қўшди.

Сидней Олимпиадаси кумуш, Афина Олимпиадасининг олтин медаллари соҳиби, икки карра жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, 29 ёшли юртдошимиз А.Таймазов Пекин Олимпиадасининг финалига қадар озарбойжонлик Европа чемпионати совриндори Али Исаевни 3:1, кубалик Дисней Родригесни 3:1, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпиони Давид Мусулбесни (Словакия) 3:0 ҳисобида мағлуб этган эди.

– Мен бу гал ҳам халқимизнинг ишончини оқлаб, Олимпия олтин медалини қўлга киритганимдан ғоят бахтиёрман, — деди Артур Таймазов. – Бу ғалабамни Ватаним - Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлайман.

Ўзбекистон Республикаси вакили А.Таймазовнинг Пекин Олимпиадасида эришган юксак ғалабаси шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз жаранглади.

Айни пайтда, ўзбекистонлик таэквондочилар – Евгения Каримова, Дмитрий Ким ва Акмал Эргашев, каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпиони Вадим Менков юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

## ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ СЕКТОР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИГА БЕРГАН БАҲОСИ

**Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (ХМК) дунёнинг 178 мамлакатида хусусий сектор учун ишбилармонлик муҳитини баҳолашни ўз ичига олган навбатдаги “Doing business” йиллик ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботда 2006-2007 йилларда Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасида сезиларли ривожланишга эришгани, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида корхоналарни рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилгани, бизнесни ихтиёрий тугатиш жараёни тартибга солингани, мулк ҳуқуқини расмийлаштириш харажатлари қисқартирилгани ва корхоналарнинг солиқ юки камайтирилгани, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги етакчи ислоҳотчи мамлакатлардан бирига айланиш имконини бергани қайд этилган.**

**Янги кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш**. Ўзбекистонда таъсис ҳужжатларини тўлиқ текширувдан ўтказиш амалиётини бекор қилиш ҳисобидан корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва ички тартиблар соддалаштирилган, рад этиш учун аниқ асослар белгиланган. Солиқ органлари ва давлат статистика органларида ҳисобга қўйиш “битта жойда” тизими бўйича бир кун давомида амалга оширилади. Жорий этилган мазкур янги тартиб тадбиркорларга 16 кунни тежаб қолиш имконини беради.

**Бизнес учун лицензия ва рухсатномалар олиш.** Ўзбекистон тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензиялар амал қилишининг энг кам муддатини 1 йилдан 5 йилгача узайтирди. Айни пайтда, туризм, аудит, биржа ва қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланишнинг 13 тури учун амал қилиш муддати чекланмаган лицензиялар берилмоқда.

**Мол-мулкни рўйхатга олиш.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июнда қабул қилинган “Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 109-қарорига мувофиқ тураржой ва нотураржой кўчмас мулкни ажратиш шартномаларини нотариал тасдиқлаш учун давлат божи энг кам иш ҳақи миқдорини инобатга олган ҳолда ҳисобланмоқда. Шу муносабат билан мулк ҳуқуқини бериш жараёни қиймати давлат божини мулк қийматининг 10 фоизидан бино майдони асосида ҳисоблаб чиқиладиган йиғим миқдоригача камайтириш орқали пасайтирилди. Жорий этилган ушбу янги тартиб Ўзбекистонга мол-мулкни рўйхатга олиш соҳасида дунёнинг ўнта етакчи ислоҳотчи давлати қаторига қўшилиш имконини берди.

**Солиқ солиш.** Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан даромад солиғи 10 фоизгача камайтирилди. 2006 йилда бу кўрсаткич 12 фоиз, 2005 йилда 15 фоизни ташкил этган. 2007 йилда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 2004 йилдаги 33 фоиздан 24 фоизгача пасайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 8 фоизгача, савдо корхоналари учун 4, умумий овқатланиш корхоналари учун 10 фоизгача қисқартирилди.

**Корхоналарни тугатиш**. Ўзбекистон ушбу соҳада дунёдаги 10 етакчи ислоҳотчи давлат рўйхатидан жой олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 27 апрелда кучга кирган Фармонида тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби белгилаб берилган. Мазкур Фармонда ушбу жараёнда иштирок этадиган давлат органлари рўйхати ва зарур ҳужжатларнинг аниқ рўйхати белгилаб қўйилган. Янги тартибда корхоналарни “битта жойда” тизими бўйича тугатиш ҳам назарда тутилган.

**Зарур ислоҳотлар**. Айни пайтда ер участкаларини кадастр орқали расмийлаштириш, қурилиш ва муҳандислик коммуникацияларига қонуний уланиш учун рухсат олиш жараёнини соддалаштириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

**(ЎзА)**

### Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан «Истиқлолнинг ижодкор ёшлари: эфирда ёшлар» мавзуида медиа форум уюштирилди.

• **«ЭКОСАН»** халқаро ташкилотида «Тошкентдан Пекингача» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирда энг нуфузли турнир— Олимпиада ўйинларининг моҳияти ва айни кунларда Пекинда давом этаётган XXIX Олимпиада ўйинларида Ватанимиз спортчилари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар муҳокама қилинди.

• **МУДОФААГА** кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан фахрийлар, спортчилар иштирокида ўтказилган тадбир ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланди.

• **КЕЧА** Ҳамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган хайрия тадбирида кам таъминланган оилалар вакиллари иштирок этишди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

*«Маҳалла куни»*

## БАЙРАМГА МАРҲАМАТ

### ЭРТАГА ШАҲРИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ШАҲАР «МАҲАЛЛА КУНИ» БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ.

**ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАН БЎЛМИШ МАҲАЛЛА ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ КЎЗГУСИДИР. У КИШИЛАРНИ ИЙМОН-ЭЪТИҚОДЛИ, МЕҲР-ОҚИБАТЛИ, ДЎСТУ БИРОДАР, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА ЧИН ИНСОН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛГАН.**

Маҳалла қадим-қадимдан шарқона яшаш, урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган пурҳикмат жой бўлиб ҳисобланган. Ҳар бир маросимда, тўю-маъракалар бошида маҳалланинг кайвони оқсоқоллари, энг нуфузли кишилар турган. Маҳалла яхшини бағрига олиб элга танитадиган, йўлдан адашганни тарбиялаб, тўғри йўлга соладиган гўшадир.

Мустақиллик маҳалла тизимининг янгидан янги қирралари, имкониятларининг очилиб, янада ривожланишига ҳаётбахш туртки бўлди десак адашмаймиз. Жорий йилнинг сентябрь ойида «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилганига 16 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида жамғарма томонидан қанчадан-қанча оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиб, қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда пойтахтимизда 474 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 1900 дан ортиқ заҳматкаш инсонлар ушбу тизим ривожи учун фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳар йили анъанавий тарзда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида Республика ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари томонидан «Маҳалла куни» тадбирлари ўтказилиб келинади.

— Бугун маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни катта, — дейди Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолиддин Шоҳакимов биз билан суҳбатда. — Маҳаллаларда юрт ривожи, эл фаровонлиги, аҳоли тинчлиги, хотиржамлиги йўлида фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва фаоллар олиб бораётган хайрли ишлар ҳақида ҳар қанча фикр билдирсак арзийди. Ҳар йили ўтказиладиган «Маҳалла куни» тадбирини юқори савияда уюштириш, фаолларимиз меҳнатларини муносиб тақдирлаш, яхши кайфият улашиш мақсадида турли қизиқарли танлов ва кечаларни ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Бу йил ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали каби бир қатор ташкилот ва корхоналар билан биргаликда «Маҳалла куни»-ни ўтказишга келишиб олдик. Ҳамшаҳарларимиз бири-биридан қизиқарли бўлган «Алла» кўрик-танлови, қовун, гул, нон сайилларини кўриб, элимиз эъзозидаги санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқларидан баҳраманд бўлиб мазза қилиб ҳордиқ чиқарадилар.

Азиз ҳамшаҳарлар, 23 август кеч соат 18.00 да Ўзбекистон Миллий боғида Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги шодиёналари олдидан бўлиб ўтадиган ажойиб «Маҳалла куни» тадбирига барчангизни таклиф этамиз. Келинг, марҳамат, дам олиб сиз учун яратилган барча шарт-шароит ва кўнгилочар томошаларимиздан баҳра олинг.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

## УМОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН УМОН СУЛТОНЛИГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРИ РОВИЯ БИНТ САУД АЛ-БУСАИДИЯ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 21 АВГУСТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ РУСТАМ ҚОСИМОВ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан ва таълим жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон билан Умон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш ҳамда изланишлар олиб бориш икки томон учун ҳам манфаатли экани қайд этилди.

Умон олий таълим вазири Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида фан-таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга, ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка юксак баҳо берди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Умон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Ровия бинт Сауд Ал-Бусаидия. — Мамлакатингизда ёш авлоднинг пухта таълим-тарбия олиши учун яратилган шароит бизни ҳайратга солди. Хусусан, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган юзлаб коллеж ва лицейларнинг, янги мактабларнинг бунёд этилиши юртингизда ёш авлоднинг камолотига қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир. Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, педагог-кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, тажриба алмашиш билан боғлиқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ниятидамиз.

Умон делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ҳам бўлди. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

**(ЎзА)**

## XXI АСР САДОСИ

### БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Навоий шаҳрида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида тадбир ўтказилди.**

• **Нукус аэропортида «Московия» авиакомпаниясининг «Москва-Нукус-Москва» янги ҳаво рейси очилди. Эндиликда юртдошларимиз ҳафтанинг ҳар сешанба куни янги рейс хизматидан фойдаланишлари мумкин.**

• **Самарқанд шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг энг яхши диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

• **«Мурувват Текс» хорижий шўъба корхонасининг Гурлан фабрикасида йилига 4,5 минг тонна пахта толаси қайта ишланади. Жорий йилнинг ўтган олти ойида корхонада 1654 тонна ип-калава ишлаб чиқарилиб, режа 130 фоизга уддаланди. Экспорт ҳажми 1,232 миллион долларни ташкил этди.**

• **Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банкининг Қибрай тумани филиали ўз мижозлари учун яна бир қулайлик яратди. Салар шаҳарчасида очилган навбатдаги мини банк аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Шохобча молиявий операцияларни жадаллаштирувчи ва аҳолига қулайлик яратувчи техник жиҳозлар билан тўла таъминланди.**

• **Андижон вилоятида аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган дастурга кўра Андижон, Асака, Марҳамат, Улуғнор, Жалақудуқ ва Бўз туманларида 20 дан ортиқ қудуқлар қазилиб, 35,3 километр масофага қувур ётқизилди. Шу йўл билан кўпчилик хонадонларга зилол сув кириб боришига эришилди.**

• **Мустақиллик байрами арафасида Шаҳрихон туманининг Чўнтак қишлоғида 320 ўринли янги мактаб биноси қурилди. Янги мактабда қишки спорт зали, футбол майдони, баскетбол, қўл тўпи, волейбол ва бошқа спорт ўйинлари учун майдонча ҳам қад ростлади.**

• **Паркент туманидаги хушманзара Қизилсой гўшасида жойлашган Майданак обсерваториясида янги телескоп ўрнатилди. Ушбу телескопдан келгусида асосан ўқув мақсадларида фойдаланилади.**

• **Жалолқудуқ туманидаги «Жалолқудуқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қатор маҳаллаларда аҳолига қулайлик яратилди. Туман савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти томонидан барпо этилган, замонавий талабларга жавоб берадиган янги минимаркет ишга тушди.**

### ЖАҲОНДА

• **Бугун Россияда Давлат байроғи куни байрами нишонланди.**

• **Ливан ҳукумати Сурияда ўзининг элчихонасини очишга қарор қилди.**

• **Кеча Покистондаги артиллерия заводида рўй берган портлашлар туфайли юзга яқин киши ҳалок бўлди, 80 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

• **Кеча жаҳон биржаларида нефтнинг нархи кескин кўтарилиб, бир баррел «қора олтин»нинг нархи 121 долларга чиқди.**

• **Россия НАТО ташкилоти билан ҳамкорликни тўхтатди.**

• **Замбия Президенти Леви Мванавас Париждаги шифохоналардан бирида ҳаётдан кўз юмди. 59 ёшли Мванавас 29 июнь куни Шарм эл-Шайхда бўлиб ўтган Африка иттифоқи саммитида аҳволи ёмонлашган ва Парижга келтирилган эди. Хабарларга кўра, Замбия раҳбари юрак ҳуружидан оламдан ўтган.**

• **Дунёдаги йирик уяли алоқа компанияси саналган Nokia Финляндиянинг собиқ бош вазири Эско Ахони ишга қабул қилди. Бир неча йил олдин мамлакат ҳукуматини идора қилган арбоб эндиликда корпоратив муносабатлар бўлимига раҳбарлик қилади. 54 ёшли Ахо жорий йилнинг 1 ноябридан ўз вазифасини бажаришга киришади. Шунингдек, у компания директорлар кенгаши аъзолигига ҳам қабул қилинади.**

• **Камчаткада Номсиз вулқонининг отилиши бошланди.**

• **Сомали қирғоғидаги Аден қўлтиғида денгиз қароқчилари Индонезиядан Европага пальма ёғини элтаётган Малайзия танкерини эгаллашди. Танкер бортида кеманинг 20 нафар экипаж аъзолари бор.**

• **Эрон ҳукумати 2021 йилгача яна олтита янги атом электр станциясини қуришга қарор қилди. Ҳозирда мамлакатда бир нечта компаниялар АЭСларни қуриш учун ҳудуд излашмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, жойларни аниқлаш учун 13 ой кетади.**

• **Мисрнинг Дехейра музофотида истиқомат қилувчи 27 ёшли аёл бир йўла етти нафар чақалоқни дунёга келтирди. Чақалоқларнинг тўрт нафари ўғил, уч нафари қизалоқ бўлиб, эгизаклар ва уларнинг онаси Газалнинг соғлиғи яхши эканлиги айтилмоқда.**



Тадбирлар

# МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА

**ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИДА ҲАР БИР БАЙРАМЛАРУ ТАНТАНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНГАН.**

Куни кеча мазкур маҳаллада тобора яқинлашиб келаётган юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан байрам тадбири уюштирилди.

Ушбу тадбирга маҳалла фаоллари, ёшлар, кам таъминланган оилалар аъзолари таклиф этилиб, улар учун дастурхон тузалди, ош тортилди. Қувонарли жиҳати шундаки, маҳалланинг ҳар бир фуқароси хуш кайфият ила Истиқлол айёмини нишонлади. Тадбирни очар экан «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдужалилова маҳалла аҳлини яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан қутлади. Х.Абдужалилованинг Истиқлол арафасида маҳаллани ободонлаштириш мақсадида бажарилаётган ишларнинг аҳамияти, Ёшлар йилида келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган эътибор, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ғамхўрлик йўлидаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилаётган вазифалар моҳияти ҳақидаги ўзига хос ҳисоботи йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, маҳалла фаолларидан Ўткир Восиев, Саъдулла Аҳмедов, Мухлиса Мавлоновалар Истиқлол буюк неъмат эканлиги, бу кунларнинг қадрига етиш, тинчлик, барқарорликни таъмин-



лаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

— Маҳалламизда 4500 нафардан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилади,— дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдужалилова, — шукрки маҳалламиз аҳолиси иноқ, тотув. Бугунги тадбирни ҳам бамаслаҳат амалга оширдик. Ҳа, тотувлик бор жойда барака бўлади. Бу ҳам буюк неъмат — Истиқлол шарофатидан. Шу боис Энг улуғ, энг азиз байрамимизни шодон кайфиятда нишонлаяпмиз.

— Тадбирга ҳомийлик қилганлар ҳам бордир, — савол бердик суҳбатдошимизга.

— Албатта. Ҳар сафарги байрам тантаналарида бўлганидек, бу йилги Истиқлол айёмига бағишланган тадбирни ўтказишда маҳалламизга «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда «Шош» ресторани яқиндан ёрдам кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмасам бўлмас. Ҳомийларимизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Дарвоқе, тадбир давомида қатнашчиларнинг ҳар бирига ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар топширилди. Аҳмаджон Дадаев, Турғун Бекназаров, Аваз Тошкенбоев сингари хонандалар томонидан Ватан, она, муҳаббат, садоқат ҳақида ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар кеча файзига файз қўшди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**СУРАТЛАРДА: Истиклол айёмига бағишлаб «Дўстлик» маҳалласида уюштирилган тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БИР ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, АЙНИҚСА АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛИШИ, ЯНГИДАН ИШ БОШЛАГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШДА УЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ БОРАСИДА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.**

Хусусан, 2002 йилда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қабул қилинган қонунга кўра ўша йили биринчи кредит уюшмаси Марказий банкда рўйхатга олинди. 2008 йилга келиб эса мамлакатимиздаги уюшмалар сони 58 тага ва уларнинг аъзолари сони 48000 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 13 августдаги 18-А/11 сонли қарорига мувофиқ «IMKON» кредит уюшмаси 19-рақамли лицензия асосида рўйхатга олинди ва ўз фаолиятини бошлади. Кредит уюшманинг устав фонди 20.000,00 АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдордаги маблағда шакллантирилди. Ўтган 4 йил ичида амалга оширилган самарали фаолият натижасида бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 5.312.568,77 АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорга етди. «IMKON» кредит уюшмасининг аъзолари сони эса 3810 нафардан иборат.

Мамлакатимиз Президенти томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг белгилаб берилган асосий 5 тамойилини татбиқ этиш йўлида, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўламини кенгайтиришда, янги мустақил мулкдорлар синфини шакллантиришда зарур бўлган микромолиялаштириш ташкилотларини босқичма-босқич ривожлантириш борасида, 2006 йил «Микромолиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. 2008 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича рўйхатга олинган 434,5 мингта кичик тадбиркорлик корхоналаридан атиги тўртдан бир қисмининг кредитга муҳтожлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қисқа ва ўрта муддатли истиқболда юқорида қабул қилинган қонуннинг аҳамияти ғоят муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур қонун асосида бугунги кунда 29 та тижорат банклари, 58 та кредит уюшмаси, 29 та ломбард ва 17 та микрокредит ташкилотлари мижозларга микромолиявий хизматлар кўрсатмоқдалар. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган мақсадли дастурларга қарамасдан, қишлоқ хўжалик секторида 10 фоиз миқдорида, кичик бизнес ва микро ташкилотларда эса 25 фоиз миқдорида ажратилаётган кредитлар кредит уюшмалари, шунингдек, микрокредит ташкилотлари зиммасига тўғри келаяпти. Хусусий секторда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг юқорилигига қарамай, кредит олишнинг қулайлиги туфайли, айнан ушбу молиялаштириш секторида кредит портфели тез суръатларда ўсди.

— Ҳозирги вақтда республикада кредит уюшмалари орасида активи бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турган «IMKON» кредит уюшмаси мамлакатимиз молия бозорида, айниқса Тошкент шаҳри ва туманларида кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначилик ва фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни мини-техника ва технологиялар, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашда молиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда «IMKON» кредит уюшмасининг ижрочи директори Обиджон Азимбоев. — Хусусан, «Микромолиялаштириш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида «IMKON» кредит уюшмаси томонидан кичик бизнес субъектларига 412.371.583,00 сўм миқдорида микрокредит, жисмоний шахсларга 1.573.135.303,00 сўмлик микрозаём, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 8.350.000.000,00 сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Минтақада ишлаб чиқариш суръатини оширишда бевосита фаол иштирок этиш мақсадида кредит уюшмаси томонидан микрофирма ва хусусий тадбиркорларга машина ва асбоб-ускуналар олиш учун 2.944.388.434,00 сўмлик лизинг ажратилди.

Юқорида келтириб ўтилгандек, микромолиялаштириш ташкилотлари ҳамда кредит уюшмаларидан кредит олишнинг ҳар томонлама қулай ва енгиллиги туфайли ўсиб бораётган Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон молия бозорида келажакда янгидан-янги имконият қирралари очилади. Худди шундай ривожланишдан орқада қолмаслик мақсадида «IMKON» кредит уюшмаси ҳам бир қатор лойиҳалар ишлаб чиққан.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида бўш қолган пул маблағларни жалб қилиш; хусусий тадбиркорлар ҳамда микрофирмаларга молиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида вилоят ва туманларда кредит уюшма бўлимларини очиш; узоқ ва яқин хорижий давлатлар (хусусан Россия, Қозоғистон, Хитой)даги микромолиялаштиришда эришилган ютуқларни мамлакатимиз иқтисодиётида татбиқ этиш ҳамда тажриба алмашиш каби йўналишлар шулар жумласидандир. Бинобарин, уюшманинг режали асосдаги, янги лойиҳаларни татбиқ этган ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари давом этади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# СОҒЛОМ РАҚОБАТНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ, ЖУМЛАДАН, СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ЎЗИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ СОНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ ЙИЛ САЙИН ОРТМОҚДА.**

Бозор иқтисодиёти ихчам ва самарали усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Шу боис мамлакатимизда йирик табиий монополиялар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соддалаштиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни энергетика соҳасида шакллантирилаётган рақобат муҳити мисолида ҳам кўриш мумкин.

Электр ва иссиқлик тармоқларида кўрсатилаётган хизматлар учун ҳақ тўлаш, бошқача айтганда, тўлов интизоми ҳозирча талаблар даражасида эмаслиги кўпчиликка маълум. Бунга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда зарур ишларни амалга оширмоқда.

— "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси таркибий тузилмасининг айрим тармоқлари тизим тасарруфидан чиқарилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Дониёр Отамуродов ЎзА мухбирига. — Бозор муносабатларини жорий этиш мақсадида соҳага тадбиркорлик субъектлари жалб этилмоқда. Мисол учун, пойтахтимизнинг Бектемир туманида истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш вазифаси "Тошшаҳарэлектртармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамиятидан хусусий оператор — "Shosh Invest group" масъулияти чекланган жамиятига ўтказилди.

Мазкур жамият ўз фаолиятини, аввало, хизмат сифатини яхшилашдан бошлади. Тармоқда сабабсиз узилишлар содир бўлишига бутунлай чек қўйилди. Истеъмолчилар билан шартнома тузишда ҳар бир мижознинг шароити ҳисобга олинди. Олдиндан ҳақ тўлаган истеъмолчиларга чегирма жорий қилинди. Тўловлар исталган банк шохобчалари ва PAYNET орқали, жамият ходимлари иштирокисиз, амалга оширилмоқда.

Тажриба қисқа вақт ичида кутилган натижани берди — тармоқда муомала харажатлари сезиларли даражада қисқарди. Бу билан, ўз навбатида, тарифларнинг асоссиз ўсиши билан боғлиқ салбий ҳолатларга барҳам берилди. Дебиторлик қарзлар кескин қисқарди. Абонентлар сони ошиб, корхона даромад олишга эришди. Пул тушуми 63,6 фоиздан 114,8 фоизга етгани шундан далолат.

Ҳозир бу тажрибани Тошкент шаҳрининг Сергели, Учтепа ва Собир Раҳимов туманларида ҳам жорий қилиш бўйича иш олиб борилмоқда. Бошқа коммунал соҳаларни ҳам таркибий ўзгартириш чоралари кўрилмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

Иқтисодиёт

# ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

**КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРДА ХАРИДОРИНИ ТОПИШИ БАРОБАРИДА УЛАРГА ХОРИЖ БОЗОРИДАН ҲАМ БУЮРТМАЛАР ТУШАЁТГАНИ АҲАМИЯТЛИДИР.**

«Тошкент подшипниклар заводи» масъулияти чекланган жамиятида ҳам кейинги йилларда барча имкониятларни ишга солган ҳолда импорт ўрнини босувчи товарлар тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Бу албатта бозорни ўрганиш, буюртмачи талабидан келиб чиқиш асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирда корхона цехларида 50 нафар ўз ишининг моҳир усталари саналган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишиб, улар тайёрланаётган маҳсулот сифатига алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги соҳаси ва бошқа саноат ишлаб чиқарувчилари учун подшипник маҳсулотлари тайёрлаб беришади. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика вазирликлари ва турли таъмирлаш заводларининг буюртмаларини тез ва соз бажариб бераётган тадбиркорлар, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш йўлида ҳам астойдил изланишмоқда.

— Ҳозирда корхонамизда подшипниклар ишлаб чиқариш баробарида маҳаллийлаштириш дастурига кўра иш юритиб мамлакатимизга хориждан олиб келинган қишлоқ хўжалик техника ва жиҳозлари учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлари ишлаб чиқаришни ҳам уддалаяпмиз, — дейди корхона директори Ҳамдам Абдуллаев. Айни пайтда ана шундай маҳсулотлардан 10 хилдан зиёдини тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Корхона цехларида тайёрланаётган ана шундай эҳтиёт қисмлари «Кейс» комбайни, «Алтай» ҳайдов трактори ва бошқа қишлоқ хўжалиги машина-техникаларини таъмирлашда қўл келмоқда. Шунингдек, якка тартибдаги буюртмаларга кўра ностандарт жиҳозлар ҳам ишлаб чиқариляпти.

Корхонада режаланган лойиҳага кўра замонавий техника ва технологиялар асосида автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Мақсад муваффақиятли амалга ошса, корхонада қўшимча ишчи ўринлари яратилади.

# ТУРЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

**КОРХОНАЛАРИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ОРТИБ, ТУРЛАРИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДАКИ, БУ АЛБАТТА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ НАТИЖАСИДИР.**

Шуни таъкидлаш ўринлики мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига техника ва механизмлар етказиб бериб, соҳа ходимларининг мўл ҳосил етиштиришида муносиб ҳисса қўшишда «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти мутахассисларининг ўрни алоҳидадир.

Корхонада йилига минглаб тракторлар ишлаб чиқарилиб, ушбу 7 хилдаги қулай ва ихчам техника воситалари фермерларга лизинг асосида сотилаётгани ниҳоятда аҳамиятлидир. Жорий йилда завод мутахассислари изланишлари самара бериб, яна бир янги трактор яратилди. Ушбу тракторнинг афзаллиги шундаки, у агрегатлари сони кўплиги ҳамда тезкорлиги билан ажралиб туради. Ҳайдовчи кабинаси шинам ва қулай бўлиб осма тизимдаги юк кўтариш қуввати 3000 килограммгача етказилган. Қуввати юз от кучига эга ушбу техника бир йўла кўплаб вазифани бажариш имкониятига эгадир. Яъни унга экскаватор асбоб-ускуналари, кранли осма тизим, бульдозер қисмлари ва тиркама уласа бўлади.

Яна шуни айтиш лозимки, бугунги кунда корхона цехларида 400 хилдан зиёд эҳтиёт қисмлари ҳам тайёрланмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига алоҳида эътибор билан ёндошаётган тадбиркорлар қисқа давр мобайнида импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларидан бир қанчасини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. Илгари ушбу маҳсулотлар хорижий давлатлардан олиб келинарди.

Тракторсозлар айни кунларда янги маҳсулотлар яратиш устида тинмай изланишлар олиб боришмоқда. Бу, албатта импорт ўрнини босувчи рақобатбардош товарлар турлари кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

Алоқа

# ЯНА 90 НАФАР ТАЛАБА

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗИНИНГ МАХСУС СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТИГА ҲАМ ЭГА. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАШКИЛ ТОПГАН БУ ФАКУЛЬТЕТДА ТАЪЛИМ ОЛИШ УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ ЭТИЛГАН.**

Масофавий ўқитиш жараёни ҳам талабаларга қўл келмоқда. Алоқа тармоғидаги касб-ҳунар коллежларини битириб, соҳада фаол меҳнат қилаётган ёшлардан 90 нафари факультетнинг бу йилги талабалари бўлди. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билим ва малакаларини оширадилар.

# МАРКАЛАР ТУРКУМИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХАЛҚАРО ДОИРАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ НАМУНАЛАРИНИ МУОМАЛАГА КИРИТДИ.**

Халқаро сув спорти федерациясининг 100 йиллигига бағишланган мазкур янги нашр тўрт туркумдан иборат бўлиб, кўркам кўринишга эга. Халқаро сув спорти федерацияси эмблемаси акс эттирилган тасвирлар ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Маркаларда сув полоси, синхрон сузиш, сувга сакраш ҳамда сузиш мусобақалари акс эттирилган лавҳалар ҳам бор.

Янги марка туркуми филателия ихлосмандларига яхши совға бўлди.

# ЯНГИ БОҒЛАМА

**МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ «КДМА-450» АНДОЗАСИ АСОСИДА ИШЛОВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАРМОҒИ ЮЗАГА КЕЛДИ.**

«Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Тошкент ҳудудий боғламаси бундай йирик техник жараёнга бошчилик қилди. Аҳоли ва халқ хўжалиги тармоғига хизмат кўрсата бошлаган бу корхонага танлов асосида қабул қилинган мутахассисларнинг асосини олий маълумотлилар ташкил этади.

**Акбар АЛИЕВ**

# «ЖИЛОЛАР ШЕЪРИЯТИ»ДА КЕЧА ВА БУГУН УЙҒУНЛИГИ

**Хитой пойтахтининг диққатга сазовор жойларидан бирига айланган «Шош» бадиий чойхонасида ўзбекистонлик рассомлар асарларидан ташкил топган «Жилолар шеърияти» кўргазмаси очилди.**

Юртимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган экспозицияда ўзбекистонлик рассом ва ранг-тасвир усталари, графиклар ҳамда видео-арт мутахассислари – Д.Охунбобоев, В.Усеинов, С.Абатуров, Е.Камбина, Я.Салпинкиди ва бошқа ижодкорларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Тадбирда Пекинда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, ижтимоий-сиёсий арбоблар, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этди.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой маданияти ҳамда мумтоз ва замонавий рассомчилик унсурлари ўзаро уйғунлашиб кетган тасвирий санъат мактабининг ўзига хос анъаналарини ифода этувчи асарларни юқори баҳолади.

Кўргазма Хитой оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди. Хусусан, «Lookwe» журнали саҳифаларида ушбу воқеага бағишлаб чоп этилган репортажда шундай дейилади: «Пекиндаги «Шош» арт-ресторанида ўзбекистонлик ижодкорларнинг рассомчилик, графика ҳамда видео-арт йўналишидаги ўзига хос асарлари намойиш этилмоқда. Тадбир меҳмонлари Ўзбекистоннинг хилма-хил ва ранг-баранг тасвирий санъати ҳамда кўргазмага ўзгача шукуҳ бахш этган миллий мусиқаси билан яқиндан танишди.

Ижодкорлар тасвирий асарлар воситасида ўз ватанининг бетакрор манзаралари, халқ анъаналари ва кўп асрлик қадриятлариниараннум этибгина қолмай, балки томошабинларни ўзбек халқининг ўтмиши билан бугунги куни ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳис этишга ундайди».

# АСРЛАР ЛИБОСЛАРДА АКС ЭТАР

**Бир неча йилдан буён Самарқанддаги «Эл мероси» миллий либослар театри халқимизнинг кўп асрлик тарихи, бой маданияти ва анъаналари, ранг-баранг либосларини акс эттирувчи дастурлари билан кўп сонли мухлисларни хушнуд этиб келмоқда. Театр жамоасининг ўзига хос ва жўшқин томошалари нафақат Ўзбекистондаги, балки хорижий мамлакатлардаги санъат шинавандаларининг ҳам эътиборини қозона олди.**

Яқинда «Эл мероси» театри Италия фольклор иттифоқининг таклифига кўра Авиано шаҳридаги анъанавий Авиано-Пианкавалло 40 - халқаро фольклор фестивалида иштирок этди.

Тадбирда, шунингдек, Болгария, Хитой, Колумбия, Македония, Португалия, Россия ва Италиянинг қатор фольклор жамоалари қатнашди.

Юртдошларимиз фестивалнинг илк куниданоқ барчанинг эътиборини жалб этиб, миллий услубда яратилган хилма-хил ва ранго-ранг либослар, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ифода этувчи миллий рақс ва томошалар билан мухлисларнинг самимий олқишларига сазовор бўлди.

Италия-Ўзбекистон савдо палатаси президенти Луиджи Иперти «Эл мероси» театри чиқишларидан олган ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўзбекистонлик санъаткорлар нафақат томошабинлар, балки фестивалнинг барча иштирокчилари қалбини ром этганини таъкидлади. «Менимча, театр дастурини Италиянинг йирик шаҳарлари бўйлаб намойиш этишни ташкил қилишимиз лозим. У катта муваффақият қозонишига шубҳам йўқ», — деди Л.Иперти.

Италиянинг «Федерико Анжелика» фольклор рақс гуруҳи раҳбари Микеля Гаспаретто ҳам ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳоратини юксак баҳолади. «Эл мероси»нинг фестивалдаги иштироки шаҳримиз маданий ҳаётидаги энг ёркин воқеалардан бири бўлди», — дея таъкидлади М.Гаспаретто.

**«Жаҳон» АА.**

# ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

**ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИДА "ФАРЗАНДЛАРИ БАРКАМОЛ, РУҲАН СОҒЛОМ ЮРТ ЗАВОЛ БИЛМАС" ДЕЙИЛАДИ. БИНОБАРИН, ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАНИМИЗДАН ҲОЗИРГА ҚАДАР КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ БЎЛГАН ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН БИР ҚАТОР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УЛАРДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИШГА ҲОЖАТ БЎЛМАСА КЕРАК.**

Шу маънода Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот органлари ташаббуси билан ҳар бир туманда, шу жумладан Яккасарой туманидаги 160-мактабда ташкил этилган семинар-тренингнинг моҳияти аҳамиятлидир. «Ҳар бир бола – бизнинг фарзандимиз» шиори остидаги ушбу тадбир ички ишлар идоралари ва жамоатчиликнинг алоҳида эътиборида бўлган ўсмир ёшлар учун кўргазмали ва интерфаол машғулотлар тарзида ўтказилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кириш сўзи билан очар экан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар, "Оила-мактаб-маҳалла" концепциясининг ижтимоий-маиший томонлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Туман ҳокими Вали Муллажонов таъкидлаб ўтганидек, кейинги йилларда ёшлар билан боғлиқ қонунбузарликларни кескин камайтириш мақсадида нафақат ички ишлар идоралари, балки ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифалар ҳам кучайтирилди. Ҳозирда бу борадаги ишлар кўламига ижобий таъсир этадиган махсус тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда. Аммо ушбу йўналишда ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд бўлиб, уларга ҳам тегишли идоралар билан ҳамкорликда жиддий ёндошилади.

— Ушбу тадбир билиб-билмай қонун меъёрларини четлаб ўтган ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат беради, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ҳусан Ҳакимов. — Қомусимизда белгиланган моддалар, меъёрий ҳужжатлар, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эътироф этадиган тамойилларга суянган ҳолда бу ёшларимиз ўз шўхликларидан тўғри хулоса чиқаришларига ишонамиз.

Семинар-тренинг давомида жамоат ташкилотлари етакчилари, меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар сўз олиб, ёшлар камолоти йўлидаги ишлар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Тадбир давомида ёшлар учун турли кўнгилочар томошалар, спорт мусобақалари уюштирилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

